

Қуръон бутун оламлар учун ваъз-насихат, эслатмадир | Қуръони Карим дарслари (174- дарс)



19:00 / 27.10.2025 1190

Аллоҳ таоло Йасийн сурасида шундай марҳамат қилади:

«Унга шеърни ўргатганимиз йўқ. Бу унга тўғри ҳам келмас. У - зикр ва очиқ-ойдин Қуръондан ўзга нарса эмас. Тирик бўлганларни огоҳлантириши ва (азоб) сўзи кофирларга ҳақ бўлиши учундир», (69-70-оятлар).

Мушриклар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни шоир, Қуръони Каримни шеър ҳам деганлар. Аллоҳ таоло ушбу оятда уларнинг бу даъволарига кескин жавоб бермоқда:

«Унга шеърни ўргатганимиз йўқ».

«Сизлар шеър билан Қуръоннинг фарқига бора олмаяпсиз».

Шеър инсоннинг ўзи ички кечинмаларини вазнга солиб, байт қилиб айтишидир. Уни хоҳлаган инсон айтиши мумкин. Шеър турли бўлган-бўлмаган гапларни ҳам кўтараверади. Айниқса, арабларда бу нарса машҳур.

Улар ҳақиқатни яхшилаб билиб олишлари лозим, Қуръон Аллоҳ томонидан танлаб олинган етук банда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилинган ваҳийдир. У Аллоҳнинг каломидир. Уни ҳеч ким ўзидан чиқариб айта олмайди. Шунинг учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни шоир дейиш мумкин эмас.

«Бу унга тўғри ҳам келмас».

Шоирлик Пайғамбарлик мақомига ҳеч мос келмайдиган амалдир. Шунинг учун ҳам шоирлик Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг табиатларида умуман йўқ эди.

Абу Заръа ар-Розий қилган ривоятда Шаъбий:

«Абдулмуттолибдан тарқаган болаларнинг ҳаммаси – эркаги ҳам, аёли ҳам шеър айтар эди, магар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтмаганлар», деган.

Аллоҳ таоло Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга шеърни ўргатмаганини, шеър ўқиш у зотга тўғри ҳам келмаслигини айтганидан сўнг Қуръони Каримнинг моҳиятини баён қилишга киришади:

«У - зикр ва очиқ-ойдин Қуръондан ўзга нарса эмас».

Аллоҳ таолодан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга келган ваҳий зикрдир, эслашдир, Қуръондир – кироат қилинадиган каломдир. Бу илоҳий Китоб бутун оламлар учун ваъз-насихат, эслатмадир. Ҳамма учун тиловат қилинадиган илоҳий дастурдир. Уни Аллоҳ таоло маълум мақсад ила нозил этгандир. Унинг нозил қилиниши:

«Тирик бўлганларни огоҳлантириши ва (азоб) сўзи кофирларга ҳақ бўлиши учундир».

Оятда мўминларни «тирик»лар дейилмоқда. Кофирлар эса ўликларга тенглаштирилмоқда. Иймонга келишга тайёр қалб ҳаётда тирик яшашга тайёр қалбдир. Куфрда қоладиган қалб эса яшашга тайёрланмаган ўлик қалбдир.

Шунинг учун ҳам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётга тайёрларни Қуръон билан огоҳлантирадilar. Ҳаётга тайёрланмаганларга эса азоб калимаси ҳақ бўлганини эълон қиладилар.

Демак, инсонлар Қуръонга бўлган муносабатларига кўра икки турга бўлинадилар.

Биринчиси: унга иймон келтирганлар – тириклар.

Иккинчиси: унга куфр келтирганлар – ўликлар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 30-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.